



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2015-yil, 24-dekabr. Payshanba

• 153 (32.056)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ МУДДАТЛИ ҲАРБЎЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБЎЙ ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг қақирув ёшидаги фуқаролари 2016 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга қақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли Ҳамда қақирилиш муддатини кечиктириш ва қақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу қақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига қақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик қақирuvi резервиге олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2016 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервиге бўшатилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳавфсизлик кенгашининг котиби В.Маҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 23 декабрь

ҚОНУН ВА ШАРҲ

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИДА

қандай ўзгаришлар бўлади?



Шу йилнинг 3-4 декабрь кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида бир қатор қонунлар, ҳусусан, янги таҳрирдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонун қўриб чиқилиб, маъқуллангани барчамизга маълум. Аввало, таъкидлаш керакки, мазкур қонун дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада тақомиллаштириш, аҳолини сифатли, ҳавфсиз дори воситалари, дори-дармон билан таъминлашнинг ҳуқуқий қафолатларини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Демак, ушбу қонун фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бу ҳақда янада тўлиқроқ маълумот олиш мақсадида Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатларига мурожаат қилди.

► Давоми 2-бетда.



ЗАМОНАВИЙ, КАМХАРЖ ЛОКОМОТИВЛАР

Президентимиз раҳнамолигида темир йўл тармогини ривожлантириш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар йўловчи ва юк ташилишининг энг замонавий талаблар даражасида ташкил этилишига хизмат қилмоқда. Бу борада темир йўл паркни энг замонавий локомотивлар ва ҳар томонлама қулай вагонлар билан янгилаш муҳим ўрин тутмоқда.

Бугунги кунда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятидаги мавжуд локомотивларнинг эллиқ фоиздан ортиги янгиланди. Электрлаштирилган пўлат излар тармогининг кенгайиши локомотивлар паркни қатор афзалликларга эга электровозлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 4 мартдаги Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки иш-тироқида «Локомотивлар паркни янгилаш. 11 юк электровозини харид қилиш. 2-босқич»

лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ Хитойда ишлаб чиқарилган ўн бир дона «O-z-ELR» электровозининг мамлакатимизга келтирилиши замонавий темир йўл тармогини барпо этишга қаратилган ислохотларнинг яна бир ифодасига айланди.

Электровозлар Хитойнинг CNTC консорциуми — Даянь электровозсозлик заводида ишлаб чиқарилган бўлиб, ушбу компания локомотивлар паркни янгилашда «Ўзбекистон

темир йўллари» акциядорлик жамияти билан бир неча йилдан бери яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Электровозларни лойиҳалаштиришда улардан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жараёнида қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Локомотив қисмларининг жойлашуви, даяни, тормоз ва микропроцессорли бошқариш тизимини ишлаб чиқишда хитойлик мутахассислар билан бирга темирйўлчиларимиз ҳам иштирок этган.

— Янги электровозлар оғир юкларни тоғ шарафтида ташинишга мослаштирилган бўлиб, шу турдаги бошқа локомотивларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқарма бошлиғи Нусратилло Абдуллаев.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири.

Жорий йилнинг 9 ойида Ўзбекистон ХДП вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролардан 6473 мурожаат бўлган. Уларда кўтарилган масалаларнинг ҳозиргача 75 фоиздан кўпроғи ўз ечимини топди.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳларида 385 масала, доимий комиссияларда 242 масала қўриб чиқилди. 115 масала сессияда муҳокама этилди.

СЎЗ — ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича муҳим бир масалага эътибор қаратилган.

Қонун ижроси билан кучли

Яъни оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммолар масалаларини ҳал этиш зарурлиги алоҳида қайд этилган, шу мақсадда ўтган йили «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» Қонун қабул қилинган эди.

Қонунда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенг-роқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш, шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтириш талаблари назарда тутилган.

► Давоми 2-бетда.

БУ ҲАҚДА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТИ УНИНГ ЕТАКЧИСИ КИМЛИГИГА БОГЛИК

Шу кунларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари тизимида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш масалалари бўйича ҳудудий семинарлар ташкил этиляпти. Яқинда ана шундай семинарнинг бирида иштирок этдим. Ўзим бошланғич ташкилот етакчиси бўлганим учун унда билдирилган фикр-мулоҳазаларни диққат билан тингладим. Семинарда қуйи бўғин ишини янада кучайтириш бўйича қатор таклифлар билдирилди. Тадбирдан олган таассуротларим асосида мен ҳам бу борада ўз мулоҳазаларимни билдиришни маъқул топдим.

Ҳақиқатан ҳам, партия дастурий мақсадларининг ҳаётага татбиқ этилиши кўп жиҳатдан бошланғич ташкилот етакчисининг фаоллигига, сиёсий-ҳуқуқий билимдонлигига боғлиқ. Айрим кишилар борки, ўтказилаётган тадбирлар моҳияти, гоёсини тўлиқ тушунамайди. Бундай ҳолатларда бошланғич ташкилот етакчисининг ҳуқуқий жараёнларни оддий тил билан аҳолига тушунтира билиши зарур бўлади. Шунингдек, айрим ҳолларда тадбирларда партиянинг оиламга қандай нафи тегади, эртанги кунимга, болаларимнинг келажагига қандай таъсири бор, деган саволларга ҳам дуч келаемиз. Бунақа вазиятда етакчи партия дастурий гоё ва мақсадларини уларга теран тушунтириб бера олиши керак. Электрот манфаати йўлида олиб борилаётган ишлар билан таништириш бунда яхши самара беради.

Худудимизда партия аъзолари сони кун-

дан-кунга ортиб бораёпти. Ҳозир улар 40 нафарга етди. Одамларнинг ўзлари партиянинг гоёларни ортидан эргашмоқда. Чунки биз бошланғич ташкилот самарали ишлаши учун барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилияпмиз. Тажриба кўрсатяптики, бошланғич ташкилотларга қанчалик аҳамиятли бўлса, хайрихоҳларимиз ҳам шунчалик кўпаяди.

Ҳаммамиз яхши биламизки, партия ташкилотлари тизимида мунтазам равишда ўқув-семинарлар ўтказиб келинади. Лекин очигина айтиш керак, уларда қўрилаётган масалалар, партия фаолиятига оид янгилик ва жараёнлар ҳар доим ҳам бошланғич ташкилотга етиб бормайди. Партия кенгашлари жойларда, айниса, чечка худудларда, узокда жойлашган қуйи бўғинларда ўқувлар қай даражада ўтказилаётгани билан қизиқмайди. Семинарлар керакли ҳужжатлар билан таъминланмайди. Масала вилоят, туман ёки шаҳар миқёсида қилиб кетади. Юқори партия ташкилотларида бўлиб ўтадиган тадбирларда кўпинча бир-иккита бошланғич ташкилотлар етакчилари тақлиф қилинади. Аммо ҳар бир худудда қанчадан-қанча бошланғич ташкилотимиз бор? Уларнинг ҳар бирига қўрилган масала, қўйилган вазифалар етиб бормас экан, фаолиятимиз самарали бўлмайди, деб ўйлайман. Бу камчиликларни бартараф қилишимиз, етакчиларга вазифаларини аниқлашга кўмак беришимиз керак. Бунинг учун бошланғич ташкилотлар билан мунтазам алоқада бўлиб туриш талаб этилади.

Файзулло ХИКМАТОВ,
Булунгур тумани Мингчинор
бошланғич партия ташкилоти етакчиси.

Янгиликлар, Бунёдкорликлар, Хабарлар...

Янги лойиҳа

йўлга қўйилди

Самарқанд вилоятида Япония ҳукуматининг «кичиқ миқёсдаги ижтимоий лойиҳаларга бегараз ёрдам» дастури доирасида наватдаги лойиҳанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Япониянинг Ўзбекистондаги факултетида ва мухтор элчиси Фумихико Като ҳамда Япония вакиллар палатаси депутати, Япония либерал демократик партияси халқаро алоқалар департаменти директори Кадзунори Танака бошчилигидаги Япония Парламенти миссияси иштирок этди. Бу ҳақда Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси хабар бермоқда.

Ушбу дастурнинг Ўзбекистондаги фаолияти 1995 йилда бошланган. Ўтган вақт мобайнида юртимиздаги тиббиёт ва таълим муассасалари, маҳаллий ҳокимият органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан умумий миқдори 23 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган 352 лойиҳа амалга оширилди.

Лойиҳа доирасида Самарқанд вилояти ногиронларни реабилитация қилиш маркази умумий қиймати 109,500 АҚШ долларига тенг тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди.

Самарқанд вилояти ногиронларни реабилитация қилиш марказига физиотерапия муолажалари, жумладан, электротерапия, лазер терапияси, ультра-товуш терапияси, магнит терапияси, тракцион терапия ва зарба тўқинчи терапияни ўтказиш имконини берувчи замонавий тиббиёт ускуналари келтирилди.

Хотин-қизлар учун

меҳнат ярмаркаси
ўтказилди

Бухоро туманида вилоят ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан ташкил этилган ярмаркада 62 корхона, ташкилот ва муассаса 283 бўш иш ўрни билан қатнашди.

Меҳнат ярмаркасида таширф буюр-анларнинг 44 нафари эғаллаган ихтисослиги бўйича иш билан таъминланди. Ўнлаб ёшлар эса шартнома асосида мавсумий меҳнатга жалб этиладиган бўлди. Шунингдек, 250 нафардан ортиқ фуқарога ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим мудири Ботир Курбоновнинг айтишича, жорий йилнинг ўтган даврида хотин-қизлар учун тижорат банклари томонидан ажратилган микрокредитлар ҳисобига 27664 иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, ўтказилган 113 меҳнат ярмаркаси орқали 2260 нафардан зиёд хотин-қиз бандлиги таъминланди.

Маҳаллийлаш- тириш

дастури амалда

«Навой» эркин индустриал-иктисодий зонаси матбуот хизматининг хабар беришича, бу худудда Хиндистоннинг Bravo Pharmaceuticals Private Limited компанияси томонидан 2,6 миллион долларлик инвестиция ҳисобидан «Bravo Pharmaceutical MЧЖ» қўшма корхонаси очилди.

Мазкур лойиҳани амалга оширишдан қўзланган мақсад, аввало, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда янги иш ўринлари яратишдир.

Ушбу компаниянинг бош қароргоҳи Нью-Дехлида жойлашган. Унинг филиаллари Дания, Украина, АҚШ ва Эстония каби давлатларда фаолият юритади. Бугунги кунда мазкур компания Эстония саратонини тадқиқ қилиш маркази олимлари билан биргаликда саратон хасталигига қарши дори яратиш устида иш олиб бормоқда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва наватдаги сонларида:

САЙЛОВЧИ НИМАНИ
ИСТАЙДИ?

Тошкент вилоятида ЎзХДП
Жамоатчилик қабулхоналари
қандай фаолият юритяпти?

■ ҚОНУН ВА ШАРҲ

Дори воситалари ва фармацевтика фаолиятида



Самтор Рахматов,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган сай-ҳаракатлар изчил давом этмоқда. Айниқса, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг яхшиланиши халқимиз ҳаёт даражасининг юксалишида муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Айтиш кераки, янги тахрирда қабул қилинган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонун соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Қонунда дори воситалари, тиббий буюмлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин уларни қўллашга рухсат берилишига қаратилган меъёрлар акс этган. Шунингдек, дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, ташишга нисбатан қўйилган асосий талаблар, мамлакатимиз ҳудудига тиббий препаратларни олиб кириш ва мамлакат ҳудудидан олиб чиқиш тартиби мустаҳкамланмоқда. Аҳолини хавфсиз дори воситалари билан таъминлашнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда,

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

қонун фармакологик назоратни амалга оширишга қўйилган талабларни, соғлиқни сақлаш муассасаларининг ушбу соҳадаги ваколатларини, функцияларини белгилаб бермоқда.

Яна бир муҳим масала. Мамлакатимизда қўлланилаётган дори воситаларидан фуқароларни кенг хабардор қилиш, фармацевтика фаолиятининг очиклигини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг ва тиббий техникаларнинг давлат реестрини ёритиб бориш йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, рецептсиз бериладиган дори воситаларининг рўйхати ҳамда дори воситалари ва бошқа тиббий воситалар тўғрисидаги расмий ахборотни жойлаштириш талаби жорий этилмоқда. Бу эса соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳамда шу соҳага алоқадор бўлган барча юридик шахслар билан мазкур масалада тегишли тартибда иш олиб бориш, ножўъ таъсирларни ўз вақтида аниқлаш, фармацевтика фаолияти очиклигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман.



Зайнаб Бердиева,
Олий Мажлис Сенати
аъзоси:

— Таъкидлаш ўринлики, мазкур ҳуқуқий ҳужжатда дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникага бўлган техник талабларни тартибга солишни халқаро амалиёт билан уйғунлаштириш масаласига ҳам эътибор қаратилган. Соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бўйича етакчи хорижий давлатлар таърибаси, халқаро ҳуқуқнинг умумий эътирофи этилган таъминоти, уларни иноватга олинган. Қонун дори воситалари ҳамда фармацевтика фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни тиббиёт амалиётига самарали татбиқ қилиш, аҳолини сифатли ва қафолатланган дори препаратлари билан таъминлаш, давлат ҳамда бошқа идораларнинг соҳадаги масъулиятини ошириш мақсадларини назарда тутди.

Масалан, халқаро таърибадан шу нарса маълумки, ҳар бир давлат ўзининг Давлат фармакопеясини тасдиқлайди ҳамда нашр этади. Шундан келиб чиқиб, мазкур Қонунда давлат фармакопеяси, яъни дори воситаларига ва тиббий буюмларга доир талабларни, умумий фармакопея мақола-ларини, дори воситаларининг

ҳамда тиббий буюмларнинг сифатини назорат қилиш усулларини ўз ичига олган ҳужжатлар тўплами бўлган расмий нашрни ишлаб чиқиш ва уни чоп этишга бўлган талаблар белгиланган.

Яна бир эътиборли томони, Қонунда дорихоналарнинг ҳуқуқий мақоми белгиланмоқда. Унга кўра, дорихона дори воситаларини ва тиббий буюмларни реализация қилиш, шунингдек, уларни тайёрлашнинг амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахс шаклида ҳам, юридик шахснинг таркибий бўлинмаси шаклида ҳам ташкил этилиши мумкин. Дорихоналарнинг филиаллари ҳам, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари ҳам дорихоналар жумласига киради.

Сенат йиғилишида қонунни муҳокама қилиш, маълумлаш жараёнида бир нарсга амин бўлдимки, мазкур ҳуқуқий ҳужжат тиббиёт тизимидаги ислохотлар самарасини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби бир қатор вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди.



Аҳад Аҳмедов,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

— Қонунда дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, ташишга нисбатан қўйилган асосий талаблар, мамлакатимиз ҳудудига тиббий препаратларни олиб кириш ва мамлакат ҳудудидан олиб чиқиш тартиби мустаҳкамланмоқда. Аҳолини хавфсиз ва самарали дори воситалари билан таъминлашнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, қонун фармакологик назоратни амалга оширишга қўйилган талабларни, соғлиқни сақлаш муассасаларининг ушбу соҳадаги ваколатларини, функцияларини белгилаб бермоқда. Қонунда дорихоналарнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ходимларини касбга тайёрлаш даражасига қўйилган талаблар белгилаб берилди. Дори воситалари, тиббий буюмлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин уларни қўллашга рухсат берилиши кўзда тутилган.

Яна бир муҳим жиҳати, мазкур ҳуқуқий ҳуж-

жат асосида давлат органларининг масъулиятини кучайтириш эътиборга олинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг дори воситалари ҳамда фармацевтика соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради, дори воситаларини, тиббий буюмларни ҳамда тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди.

Мазкур Қонун дори воситалари ҳамда фармацевтика фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни тиббиёт амалиётига самарали татбиқ қилиш, аҳолини сифатли ва қафолатланган дори препаратлари билан таъминлаш, давлат ҳамда бошқа идораларнинг соҳадаги масъулиятини ошириш мақсадларини кўзлайди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

■ ЎзХДП: ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК

ЎзХДП НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ИДОРАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ ТАР-
ФИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ
МАСАЛАСИГА БАҒИШ-
ЛАНГАН ТАДБИР ТАШКИЛ
ЭТДИ.

ЁШЛАР ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ

Унда қайл этилдики, мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, таълим-тарбияси, касбий маҳоратини мувофиқлаштириш ҳамда бандлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун ҳамда Президентимизнинг одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда муҳим асос бўлмоқда.

— Ёшларни одам савдосидан асрашда оилавий тарбияни тўғри йўлга қўйиш, уларнинг қалби ва онгида турли гоявий-информацион таҳдидларга нисбатан мафкурарий иммунитетни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга, — деди ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши раиси Дилором Абдурахимова. — Шунинг учун ёшлар ўртасида турли салбий иллатларнинг олдини



олишга қаратилган лойиҳаларни қўпайтиришимиз, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича янги ташаббуслар билан чиқишимиз, тадбирларни таъсирчан усулларда ўтказишимиз керак. Яна бир муҳим масала шундаки, фақат тадбир ўтказиш билан чекланмаслик зарур, балки ҳар бир оилага кириб бориб, одам савдоси нафақат оғир жиноят экани, у инсон шаъни, қадр-қимматини топташни тушунтириб беришимиз талаб этилади.

— Ота-онанг кўзи олдида, дўст-биродарларнинг ёнида ишлашга, дам олиш кунлари улар билан юз кўришиб, кўнгил сўрашиб яшашга нима етсин, — деди иштирокчи ёшлардан Исроил Аълохўжаев.

Яқунда мулоқот ва савол-жавобларда фаол иштирок этган ёшларга ташкилотчилар томонидан факрий ёрлик ва ташаккурномалар топширилди. Шунингдек, партия-миз сафида бўлишни хоҳлаган хайрихоҳ ёшлар аъзоликка қабул қилинди.

Тадбир доирасида кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ҳам ташкил этилди. Мурожаатлар партия-миздан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатларига тақдим этилди.

Гулрух ТОШМАТОВА,
ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши сектор мудир.

■ ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ушбу лойиҳа доирасидаги навбатдаги тадбир ЎзХДП Шўрчи туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги «Ёш ғайрат» маҳалласида ташкил қилинди.

«КЕКСАЛАРНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ»

лойиҳаси давом этмоқда

Партия фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ёшлар иштирок этган тадбирга маҳаллада истиқомат қилаётган 200 нафардан ортиқ меҳнат фахрийлари, пиру бадавлат нурунийлар таклиф қилинди. Дастурхон ёзилиб, кўпни кўрган ота-хон-онахонларга ҳўрмат кўрсатилди. Кексаларимиз эса кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдиришди. Бугунги тинч, фаровон кунларга шўкрона айтишди.

— Бу каби икки авлод учрашувлари ташкил этилиши ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутди, — дейди Шўрчи маҳаллий хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи директори, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Райхона Раҳимова. — Бундай суҳбатлар ёшлар учун муҳим сабоқ, деб ўйлайман. Кексаларимиз мустақиллик қадри баҳолигини айтишди. Учрашув доирасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида спорт мусобақалари, маданий-маърифий ва кўргазмалар чўқишлар ҳам ўтказилди. Эллик нафарга яқин факрий-га ҳўмийларнинг совға-саломлари топширилди.

— Нурунийларнинг панд-насихатлари, фикр-мулоҳазаларини тинглаб, ўзимизга тегишли хулосалар чиқариб олдик, — дейди «Ёш ғайрат» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳудудий партия ташкилоты етакчиси Ўрол Шерхонов. — Уларга ҳар доим эътиборли бўлиш бурчимиз эканини англадик. «Кексаларимиз фаровон ҳаёти учун масъулмиз» лойиҳаси доирасида амалга оширган ишларимизни давом эттирамиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ СЎЗ — ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Қонун ижроси билан кучли



Нўмон АКБАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

Шунингдек, унда давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартиблари аниқ белгилаб берилган. Қолаверса, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлик-лари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб бори-шини таъминлаш механизми яратилган.

Президентимиз илгари сурган Концепцияда мазкур қонуннинг жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг давлат ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиклиги ва ошқоралигини, мамлакатимиз ва хорижда ке-чаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда таъминлаш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Ушбу масалалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўми-

таси «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонуннинг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, шунингдек, Фарғона вилоятидаги давлат органлари тизимидаги ижросини ўрганди. 18 декабрь кўни кўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида мазкур ўрганиш, яъни назорат-таҳлил ажун-лари вазирлик ва ҳокимлик мута-саддларини иштирокида муҳокама қилинди.

Назорат-таҳлил тадбирини амалга ошириш давомида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вазирлиқнинг Тошкент шаҳар ва Фарғона вилояти бошқармаси, вазирлик тасарруфидagi Ташки меҳнат миграцияси масалалари агентлиги, Фарғона вилояти ва Олтириқ тумани ҳокимияти ҳамда «Ўзстандарт» агентлигининг Фарғона вилоят бошқармаси фаолияти ўрганилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ахборот соҳасининг мутахассислари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жа-мияти институтлари вакилларида-дан иборат ишчи гуруҳининг аниқла-ши-ча, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан Қонунни ама-лиётга татбиқ этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг Интернет глобал тармоғида расмий веб-сайт-лари фаолияти йўлга қўйилиб, ти-зимли равишда маълумотлар билан тўлдириб берилмоқда, зарур ахбо-ротларни ҳамма фойдаланиши мум-кин бўлган жойларга жойлаштириш, архив ва ахборот-кутубхона фонд-лари орқали тақдим этиш тизими жорий қилинган. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборотлар тайёрлаш, уларни оммавий ахборот воситала-рида чоп этиш, оммавий тадбирлар ташкил этиш, ахборот хабарлари тайёрлаш билан шуғулланувчи ах-

борот хизматлари фаолияти изчил йўлга қўйилмоқда.

Назорат-таҳлил фаолиятининг алоҳида ўзига хослиги шундаки, ўрганишнинг дастлабки вақтлариданоқ жараёни ёритишга оммавий ахборот воситалари кенг жалб этилди. Ўрганиш жараёнларининг бевосита ёритиб борилиши қонун ижроси юзасидан жамоатчиликнинг фикри билан танишиш имкониятини берди.

Оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жа-мияти институтлари вакиллари ўртасида давлат ҳо-кимияти ва бошқаруви органларининг очиклик соҳасидаги фаолиятдан қониқиб даражаси бўйича ижтимо-ий сўровномалар ҳам ўтказилди. Сўровномада иштирок этган омма-вий ахборот воситалари ва фуқа-ролик жа-миятлари институтлари ва-киллари-нинг 92 фоизи давлат ҳо-кимияти ва бошқаруви органларининг очик ҳайъат мажлисларида ишти-рок этиб келаётгани, 95 фоизи қонун талабига мос равишда ахбо-рот олишга доир сўровларига ўз вақтида жавоб олишаётгани, 98 фо-изи давлат органлари томонидан ташкил этилган оммавий тадбир-ларда (матбуот анжумани, брифинг ва бошқалар) иштирок этаётгани-ни маълум қилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқару-ви органлари фаолиятида очиклик-ни таъминлаш борасидаги ишлар-нинг истикболдаги самарадорли-гини ошириш тегишли қонуности

ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ама-лиётга татбиқ этиш билан чамбар-час боғлиқдир. Бу борада Вазир-лар Маҳкамасининг 2015 йил 6 но-ябрда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органла-ри фаолиятининг очиклиги тўғри-сида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қондаларини амалга оши-ришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида»-ги қарори асосида тасдиқланган чора-тадбирлар алоҳида аҳамият-га эга.

Ушбу қарор асосида тасдиқлан-ган комплекс чора-тадбирларга асосан яқин вақт ичида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органла-ри фаолияти тўғрисидаги ахборот-ни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тар-тиби тўғрисидаги Низом», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органла-ри томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома», «Ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очик коллегиял мажлисларида иштирок этиш тар-тиби тўғрисидаги Намунавий ни-зом», «Давлат ҳокимияти ва бош-қаруви органлари фаолияти тўғри-сидаги ахборотни олиш учун сўровларни қабул қилиш, рўйхат-дан ўтказиш ва қайта ишлаш тар-тиби тўғрисидаги йўриқнома»ни ишлаб чиқиш каби бир қатор ва-зифалар белгиланган.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу вазифалар бажарилиши Қонунни амалиётга татбиқ этиш самарадор-лигини оширишга қаратилган ком-плекс чора-тадбирларни кучайти-ришга, давлат ҳокимияти ва бош-қаруви органларининг қабул қила-ётган қарорлари бўйича масъули-ятини оширишга, шунингдек, ахбо-рот соҳасидаги қонун ҳужжатлари-ни такомиллаштиришга хизмат қилади.



■ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 23-26 НОЯБРЬ КУНЛАРИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА 266 УЧРАШУВ, ДАВРА СУХБАТИ ВА СЕМИНАРЛАР ЎТКАЗИШДИ. УЛАРДА ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИНГ БОРИ-ШИ, ПАРЛАМЕНТНИНГ ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН САЙЛОВЧИЛАРГА БАТАФСИЛ АХБОРОТЛАР БЕРДИ.



■ ЎзХДП ҚОРАҚАЛПОФИСТОН РЕСПУБЛИКА, ВИЛОЯТЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ ТИЗИМИДА БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ-НИ КУЧАЙТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУДУ-ДИЙ СЕМИНАРЛАР ИЗЧИЛ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛ-МОҚДА.

Амнистия акти қадимдан амал қилиб келинаётган қадриятларимизни, қолаверса, бағрикенглик, мурувват ҳамда инсонпарварлик каби олий фазилатларнинг нозик қирраларини ўзида мужассамлаштирган.

ЯНГИЛИК

«Алан»
компрессор
станцияси
ишга тушди



Ушбу лойиҳа Президентимизнинг 2014 йил инвестицион дастури тўғрисидаги қарори ижроси доирасида амалга оширилди. Бу ҳақда «Ўзбекнефтегаз» миллий ҳолдинг компанияси матбуот хизмати хабар бермоқда.

Бундан қўзланган асосий мақсад — Қашқадарё вилоятида жойлашган «Алан» конининг қолдиқ захиралари ҳисобига табиий газ ва конденсатни қазиб чиқариш ҳажмини оширишдир.

Шу билан бирга, босимни кучайтирувчи компрессор станциясининг ишга туширилиши табиий газни Муборак газни қайта ишлаш заводида жўнатишдан олдин қазиб чиқаришга тайёрлаш бўйича номинал шароитни сақлаб туриш имконини беради.

Меҳнатга ҳақ
тўлаш
мавзусида

семинар бўлиб ўтди



Ўзбекистон касабалари Федерацияси Кенгашининг Юридик клиникасида «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзусида семинар ўтказилди. Бу ҳақда ташкилот матбуот хизмати хабар бермоқда.

Семинарда Юридик клиника волонтерлари ҳамда Тошкент давлат юридик университети магистратура босқичининг «Меҳнат ҳуқуқи» мутахассислиги йўналиши талабалари иштирок этди.

Семинар доирасида дастлаб Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича конвенциялари ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, иш ҳақи, энг кам иш ҳақи, номинал ва реал иш ҳақи, иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик, меҳнат ҳақи фондининг тариф қисми каби қондалар амалий мисоллар билан тушунтирилди.

Бундан ташқари, амалга оширилаётган ислохотлар, меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида касабалар уюшмалари ташкилотларининг вазифалари, жамоа шартномалари доирасида меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловлар ва компенсация тўловларини таъминлашга боғлиқ шартлар ижроси, мамлакатимизда мазкур соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида талабаларга маълумот берилди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ
ЁРҚИН ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият деб ҳисобланишининг яна бир ёрқин ифодасидир. Мухбиримиз амнистия актининг қимматлиги нисбатан қўлланилиши, унинг ижтимоий ва тарбиявий аҳамияти ҳусусида Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Умиджон РАСУЛБЕРДИЕВ билан суҳбатда бўлди.

— Маълумки, Конституциямизнинг 93-моддаси 23-бандида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти «амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни авф этади», — дейди суҳбатдошимиз. — Ўз навбатида, Конституциямизнинг 80-моддаси 10-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимидаги биоан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатларига қаради.

Президентимиз тақдимномасига мувофиқ, Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорда аёлларни, воёга етмаганларни, 60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатларнинг фуқароларини, шунингдек, бир қатор бошқа тоифадаги маҳкумларни жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш назарда тутилди. Бундан ташқари, амнистия акти татбиқ этилмайдиган шахслар тоифаси белгилаб берилди.

— Шу ўринда амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш тартиби ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, амнистия ҳужжати бўйича жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилиши лозим бўлган шахсларга нисбатан ишларни ҳамда материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белгилаб қўйилди.

Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарори ижросини тўлиқ таъминлашда суд-ҳуқуқ органлари билан бир қаторда вакиллик органлари, хусусан, депутат ва сенаторлар зиммасига ҳам катта масъулият юқланди. Уларнинг ушбу жараёнда фаол иштирок этиши амнистияни қўллашнинг барча босқичида очиқлик ва ошқораликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш имконини беради.

Бунда амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланилиши, шунингдек, уни ижро этиш тар-

тиб-таомиллари очиқ-ошқоралигини таъминлаш устидан жамоат назоратини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакиллари ушбу масъулиятни жараёнда фаол иштирок этади.


Бу борада жазодан озод этилган шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришга қаратилган бир қатор тадбирлар ҳам назарда тутилган. Жумладан, жазодан озод қилинган шахсларнинг тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилиши таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйлари-га жойлаштириш, воёга етмаганларни ота-оналарининг, ва-сийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегиш-ли таълим муассасаларига юборишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Ана шу ишларга муассадди идоралар билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари фаол жалб этилади.

— Амнистия актининг мо-ҳияти, аҳамияти нималарда кўпроқ намоён бўлади?

— Амнистия акти — мамлакатимизда рўйбга чиқарилаётган инсонпарварлик ва бағрикенглик, миллий қадриятларга ҳурмат сиёсатининг амалдаги яна бир кўринишидир. Зотан, билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолганларни кечир-иш, уларга нисбатан инсон-парварлик актини қўллаш шахсининг ҳар қандай қилимиш учун жазонинг муқаррарлигини англаб етишида жуда му-ҳим ўрин тутади.

Буларнинг барчаси мамла-катимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган из-чил демократик ислохотлар олиб борилаётганининг ёрқин ифодасидир. Ўртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари моҳиятига ҳам айнан шу гоа синг-дирилгани диққатга сазовор-дир.



Ҳақиқатан ҳам, бағрикенг-лик, кечиримлилиқ улуг аждод-ларимиздан мерос фазилат. Шу маънода амнистия актини минглаб одамлар, фарзандлар, оилалар қутади. Шу боисдан ҳам, ушбу ҳужжатнинг амалда қўлланилиши самарадорлигини, очиқ-ошқоралигини таъ-минлаш жуда муҳимдир. Шунинг алоҳида қайд этиш жоизки, ам-нистия акти қадимдан амал қилиб келинаётган қадриятларимизни, қолаверса, бағрикенг-лик, мурувват ҳамда инсонпар-варлик каби олий фазилатлар-нинг нозик қирраларини ўзида мужассамлаштирган.

Истиқлол шарофати билан авлоддан-авлодга ўтиб келаёт-ган эзгу амалларимиз, асрий анъана ҳамда қадриятларимиз янада кенг қулоч ёзди. Бу — хато қилганини кечир-иш, йиқил-ганини суяш, тўғри йўл кўрсати-ш, инсон сифатида қаддини тиклаб, қайтадан жамиятнинг фаол аъзосига айланиши учун кўмаклашиш қабиларда намоён бўлмоқда.

Мамлакатимиз мустақил-ликка эришганидан буён ўтган 24 йил мобайнида 26 марта амнистия акти эълон қилинди. Бу ҳақда сўз бор-ганда, Президентимиз та-шаббуси билан 1991 йил 31 августда эълон қилинган би-ринчи амнистия халқимиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолганини таъкидлаш лозим.

Ўтган даврда Мустақил-лик куни муносабати билан 9 марта, Конституция куни муносабати билан 14 марта, мамлакатнинг ижтимо-ий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бошқа сана-лар муносабати билан яна 3 марта амнистия актлари қабул қилинган.

Шу ўринда 2008 йилнинг декабрь ойида ишни судга қадар юритиш босқичида шахсларга ва маҳкумларга амнистия актини қўллаш вако-лати судга ўтказилганига эъти-бор қаратиш зарур, деб ҳисоб-лаймиз. Ҳақиқатан ҳам, мам-лакатимизда амнистия актини

қўллаш масаласи, жиноят про-цесси босқичидан қатъи назар, фақат суд томонидан ҳал эти-ладиган бўлди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизи-мини либераллаштириш ва жи-ноят қонунчилигини эркинлаш-тириш замирида, авваламбор, инсонпарварлик ва бағрикенг-лик тамойиллари, жиноят со-дир этган шахсларга нисбатан кечиримли бўлиш мақсадлари мужассамлашган. Шу жиҳатдан амнистия — умумий афв бўлиб, олий давлат ҳокимияти орга-нининг хусусий акти, айрим шахсларни жазодан озод қилиш, жиноят ишини тугатиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги қарори ҳисобла-нади. Унинг асосида хато қил-ган ёки қилмишидан пушаймон бўлганлар кечир-илади, уларга ҳаётларини тўғри йўлга солиш учун имкон берилди.

Бошқача айтганда, амни-стия актини қўллаш — ғайриқо-нуний ҳаракатлар содир этган жиноят процесси иштирокчи-ларидан бири бўлиш гумон-ланувчи, айбланувчи ёки суд-ланувчи учун маълум имкони-я ва енгилликлар тугдир-иш ва мажмуаси, десак, муволаға бўлмайди.

Ҳар йили эълон қилинаёт-ган амнистия актидан қўзлан-ган мақсад — нафақат билиб-билмай жиноятга қўл урган шахсларни жазодан озод қилиш, балки улар туфайли жабр тортидиган ҳар бир оила ва унинг аъзолари, айниқса, ўсиб келаётган норасида ўғил-қизларнинг келгуси тақдирини турли салбий таъсир ва оғир синовлардан ҳимоя қилишдан ҳам иборатдир.

Агар шу вақтга қадар эълон қилинган амнистия актларининг 1-бандига эътибор қаратсак, уларнинг барчасида, айрим че-кашларни ҳисобга олган ҳолда, энг аввало, аёллар, жиноят со-дир этган вақтда 18 ёшга тўлма-ган шахслар, 60 ёшга тўлган эр-каклар ҳамда ҳорижий давлат-ларнинг фуқаролари жазодан озод этилиши назарда тутил-ганига гувоҳ бўламиз.

— Ҳар бир амнистияда аёлларга алоҳида эътибор қаратилишининг асосий са-баби нимада, деб ўйлай-сиз?

— Маълумки, аёл, энг ав-вало, меҳрибон она, оила кўрғонининг таянчидир. Бино-барин, оилада, фарзанд тар-биясида аёлнинг ўрни катта. Билиб-билмай қилган хатола-ри, ҳаётда адашганликлари ту-файли жиноят содир этиб, жазо мuddатини ўтаётган хо-тин-қизлар ортида ҳам оила-си, фарзандлари ва яқинлари-нинг тақдир-и турибди. Шу са-бабли Олий Мажлис Сенати-нинг амнистия тўғрисидаги қарори хотин-қизларга жами-ят эътиборини қаратишда, адашганларга эса, яна бир им-коният беришда муҳим ҳужжат-дир.

Масалан, 2014 йил-да эълон қилинган амнистия акти 52 минг 498 нафар шахс-га нисбатан қўлла-нилди. Шундан 7 минг 865 нафарини аёллар, 1 минг 174 на-фарини воёга етма-ган шахслар, 681 на-фарини 60 ёшдан ош-ган эркаклар, 172 на-фарини ногиронлар ташкил этгани ҳам юқоридаги фикрни яққол тасдиқлайди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳар йили Конституция-миз талаблари асосида қабул қилинаётган амнистия акти асосида қанчадан-қанча киши-лар жазодан озод қилинмоқ-да. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат иж-роси доирасида маҳкумларни нафақат озодликка чиқариш ва оиласи бағрига қайтариш, бал-ки уларнинг соғлиги, турмуш шароитларини яхшилаш ҳамда ишга жойлаштириш каби чора-тадбирлар ҳам изчил амалга оширилмоқда. Бу маълумот-ларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ўтган йилги амни-стия тўғрисидаги қарорга кўра, 3 минг 289 нафар фуқаро бе-восита жазони ўташ муассас-асидан озодликка чиқарилган-ни бунга аниқ мисол бўла ола-ди, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, ам-нистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши ва ҳаётга та-биқ этилиши давлатимизда ин-сон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият саналишининг, юрти-мизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мазмун-моҳиятида инсонпар-варлик тамойили устувор экан-ининг амалий тасдиғидир.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Равшан ШОДИЕВ суҳбатлашди.

сизлигини таъминлаш мақсадида олиб борилаётганини ҳар бир фуқаро тушу-ниб етиши керак.

— Хабарингиз бор, Тошкент шаҳар ҳудуди чорраҳаларида «Шаҳар хавфсиз-лиги» лойиҳаси бўйича марказлашган видео-кузатув мосламаларини ўрнатиш ва ишга тушириш жараёнида давом этмоқда, — деди Тошкент шаҳар ИИБ Бош бошқармаси алоқа бўлими бошлиғи, подполковник Носир Аҳмедов. — Кўп қаватли турар-жой-лар, маҳалла ва мавзёларда бундай мосламаларнинг ўрнатилиши ҳам аҳоли хавфсизлигини таъминлабгина қолмас-дан, турли хил жиноятлар содир бўли-шининг олдини олади. Мосламалар ўз ҳудудига қараб, Тошкент шаҳрида фа-олият кўрсатаётган 475 милиция таънч пунктларига марказлаштирилиши ва на-зорат қилинади. Мақсадимиз — ҳар бир фуқаронинг ўз уйда, маҳалласида тинч-хотиржам яшашини таъминлашдан иборат.

Анжуманда журналистларни қизиқ-тирган саволларга жавоб берилди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ
МАРКАЗИДА

Давлат божхона қўмита-си «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан матбуот анжумани ўтказди.

Мурожаатлар
жавобсиз
қолмаслиги
зарур

— Божхона органларида жис-моний ва юридик шахсларнинг му-рожаатларини ўз вақтида кўриб чи-қишга алоҳида эътибор қаратил-моқда, — дейди Давлат божхона қўмитаси бошқарма бошлиғи Феруз Сафарбоев. — Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат органла-ри ва давлат муассасаларида жис-моний ва юридик шахсларнинг му-рожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Мамунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига му-вофиқ, қўмита томонидан божхона органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Мазкур норматив ҳужжатларда назарда тутилган та-лабларни божхона органлари хо-димидаги батафсил етказиш мақ-садида қўмитанинг марказий ап-паратлари, Қорақалпоғистон Респу-бликаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар божқармалари, Олий ҳарбий бож-хона институти ва Миллий кино-логия марказида ўқув машғулот-лари ўтказилди.

Қўмитада жисмоний ва юри-дик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг доимий тахли-ли йўлга қўйилган. Жорий йил-нинг 1 декабрига қадар жисмо-ний ва юридик шахслардан жами 1126 мурожаат келиб тушган. Уларнинг 509 таси ёки 45,2 фоизи Ягона давлат интерактив хиз-матлари портали орқали йўллан-ган. Мурожаатларнинг 712 таси жисмоний, 414 таси юридик шахсларга тегишлидир. Бундан ташқари, мурожаатларнинг 36,2 фоизи божхона назорати ва рас-мийлаштируви, 17,2 фоизи бож-хона тўловларидан озод қилиш, 16,4 фоизи божхона органлари-и иш ёки ўқимга кириш масала-лари билан боғлиқ. Шунингдек, божхона ходимларининг ноқонун-ий хатти-ҳаракатлари юзасидан, божхона қондабузарликлари-ни аниқлаш вақтида олиб қўйилган товар-моддий бойликларни қай-таришга доир ва бошқа масала-лар юзасидан мурожаатлар ҳам йўлланган.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқда-ки, республикаимизда ишбилар-монлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-ни ривожлантириш ва уларни ишончли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, ташқи иқтисо-дий фаолият иштирокчилари яна-да фаоллашиб, жорий қилинаёт-ган божхона имтиёзларидан уну-м-ли фойдаланишга ҳаракат қилиш-моқда. Шу сабабли мурожаатлар-нинг асосий қисми, яъни 53,2 фо-изидан товарларни божхонада рас-мийлаштириш ва божхона тўлов-ларидан озод қилиш ёки имтиёз-лар қўллаш масалалари кўтарил-ган. Мурожаатларни бевосита жойига чиқиб ўрганиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган жадваллар асосида қўмита раҳбариятининг Қорақал-поғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйлаб сайёр қабуллари ташкил қилинмоқда.

Шунингдек, тадбирда қўмита-нинг (120-76-33) ишонч телефо-нига 32 мурожаат келиб тушган, ҳамда қўмитанинг жорий йил 1 ав-густидан интернет тармоғида ан-гиланган сайтида 10 дан зиёд ин-терактив хизмат кўрсатилаётгани, фуқароларга тўғридан-тўғри боғла-ниш ва савол йўллаш имконияти яратилгани тўғрисида маълумот бериб ўтилди.

Тадбирда журналистларни қи-зиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ

ДАВЛАТИНИНГ БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ БИЛАН КИЙМАТИ
130 МИЛЛИОН 600 МИНГ ДОЛЛАР БЎЛГАН КЎП
ТАРМОҚЛИ ЗАМОНАВИЙ БОЛАЛАР
ШИФОХОНАСИНИНГ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ.



МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАР, «МАҲАЛЛА»

ЖАМҒАРМАСИ ВА БОШҚА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР,
ҲОМИЙЛАР ТОМОНИДАН ЁЛГИЗ ВА ИЖТИМОЙ
МАДАДГА МУҲТОЖ ҚАРИЙБ 10 МИНГ ФУҚАРОНИНГ УЙ-
ЖОЙЛАРИ ТАЪМИРЛАБ БЕРИЛДИ.

ХАБАРЛАР

21 декабрь — Халқаро қисқа метражли фильмлар куни муносабати билан республикамиздаги барча кино-театрларда «PROlogue» — ёш киноижодкорлар томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар фестивалида ғолиб ва совриндор бўлган кинофильмлар намойиш этилди. Бу ҳақда uzbekkino.uz сайти хабар бермоқда.

Қисқа метражли фильмлар намойиши

Шунингдек, Республика Киночилар уйида мазкур санага бағишланган давра суҳбати ҳам ўтказилди. Унда киноижодкорлар, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари иштирок этди.

Шу куни «PROlogue» фестивали мобайнида суратга олинган қисқа метражли фильмлар премьераси ҳам бўлиб ўтди.

Концерт-томоша учун лицензия олиш тартибига ўзгартириш киритилди

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги 354-сон қарори билан концерт-томоша фаолиятини амалга оширишни тартибга солувчи ҳужжатлар тасдиқланди.

«Norma» нашрининг ёзишича, концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш тартибини тўғрисидаги низомга мувофиқ бу жараён «Ўзбекистон» эстрада бирлашмаси томонидан амалга оширилади.

Лицензия ижрочиларга, жисмоний шахсларга ва ижодий жамоаларга, шунингдек, юридик шахсларга 5 йил муддатга берилди. Талабгорнинг аризасига кўра, муддат қисқартирилиши ҳам мумкин, бироқ лицензия камида 1 йилга берилди.

Концерт-томоша тadbирига бир марталик рўқсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом тижорат ва реклама, нотижорат мақсадларда ўтказиладиган концерт-томоша тadbирларига нисбатан татбиқ этилади.

Рўқсатнома аризада кўрсатилган аниқ концерт-томоша тadbирини бир марта ўтказиш ҳуқуқини беради ва у фақат унда кўрсатилган муддат мобайнида амал қилади.

Рўқсатнома олиш учун ҳужжатлар тижорат ва реклама мақсадларида ташкил этиладиган концерт-томоша тadbиридан камида 30 кун олдин ҳамда нотижорат мақсадларда ўтказишдан камида 10 кун олдин тақдим этилади.

«TGS» дастури электрон тўловларни амалга оширади

«ТошкентГазСавдо» масъулияти чекланган жамияти ходими Фарҳод Жўраев электрон тўловларни амалга оширишга мўлжалланган «TGS» дастурини ишлаб чиқди. Бундан қўзланган асосий мақсад истеъмолчилар фойдаланилган табиий газ ҳақини электрон шаклда тўлашига имконият яратишдир. Бу ҳақда Интеллектуал мулк агентлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Табиий газ учун тўлов уяли телефондан юборилган GPRS хабар ёки андроид операцион тизими учун ишлаб чиқилган илова ёрдамда амалга оширилади.

Муаллифга ушбу дастур учун № DGU 03346 рақамли гувоҳнома берилди.

МУНОСАБАТ

Соғлом она ва бола — келажак таянчи

Инсон бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан-да фаровон турмуш кечиришни хоҳлайди. Ўғил-қизларим соғлом ва баркамол, бекаму кўст ва бахтли яшасин, деб тиним билмай меҳнат қилади.

Юртимизда ҳар бир йилга ном бериш, унинг ижро механизми бўлган тегишли давлат дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш эзгу анъана тусини олди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимизнинг 2016 йилни Соғлом она ва бола йили деб эълон қилганлиги мени жуда тўлқинлантириб юборди.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун катта шароит яратилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги изчил ислохотлар бир-бирини тўлдириб, узвий тизим шаклини олди. Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда болалар спортининг ривож соғлом авлодни тарбиялашнинг яна бир муҳим воситасига айланди. Барча ҳудудларда, хусусан, чекка қишлоқларда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида 2 миллиондан зиёд бола спортнинг 30 тури билан мунтазам шугулланмоқда. Бу жараёнда қизларни жалб этишга, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соғлом турмуш тарзини аҳоли орасида кенг тартиб

этиш, ўз салоҳияти ва фикрига эга бўлган қизларни жисмонан ҳамда маънан тарбиялаш, аёлларимиз ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб институтимизда хотин-қизлар спортини ривожлантириш таълим йўналиши очилган. Ҳар йили мазкур бўлимга ҳужжатлар нафақат пойтахтимизда, балки барча вилоятларнинг ўзида қабул қилинапти. Ҳозиргача спортнинг оммавий турлари бўйича 2000 нафарга яқин талаба-қиз институтимизни битириб, турли вилоятларда соғлом авлодни вояга етказиш йўлида меҳнат қилмоқда.

Соғлом она ва бола йилида турли ижтимоий масалалар, жумладан, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, қизларни спорт билан шугулланишга кенг жалб этиш, аёл мураббийлар сонини ошириш каби масалаларга эътиборни янада кучайтириш талаб этилади.

Мен мутахассис сифатида Соғлом она ва бола йили муносабати билан қабул қилинадиган Давлат

дастурига ўз таклифларимни билдирмоқчиман.

Биринчидан, мактабгача тарбия муассасаларида ўйин майдонлари, сув ҳавзалари, спорт залларини кенгайтириш ва сифатли спорт анжомлари, асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, жисмоний тарбия мутахассисларини жалб этиш орқали соғломлаштириш тadbирларини замонавий таълим асосида лойиҳалаштириш ва уларни амалга ошириш механизmlарини ишлаб чиқиш;

Иккинчидан, болалар тарбия муассасалари ва ўқув юртиларида «Жисмоний тарбия» давлат дастурлари таркибини кенгайтириш (қўшимча спорт турлари, туризм, валеология ва ҳ.к.) асосида улардаги соат микдорларини ошириб бориш;

Учинчидан, «Полвонжонлар», «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт ўйинлари, «Маҳалламиз спортчилари», «Оилавий спорт», «Балли, қизлар», «Хотин-қизлар спартакиадаси», «Халқ миллий ўйинлари фестивали» телевизион ўйинларини янада оммалаштириш ва жойларда уларнинг мони-

торингини олиб бориш;
Тўртинчидан, иқтидорли ўғил ва қиз болаларни кўпроқ болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига ҳамда Олимпия заҳиралари спорт коллежларига жалб этиш;
Бешинчидан, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинлари иштирокчилари,

ғолиблари, уларнинг мураббийлари, тажрибали мутахассис — олимлар ва спорт ташкилотлари раҳбарлари билан маҳалалар, ўқув масканларида давра суҳбатлари ташкил этишни йўлга қўйиш лозим, деб ҳисоблайман.

Президентимиз таъкидлаганидек, она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади. 2014 йил 28 январда ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги ййгилишида эса фарзанд соғлом бўлиши учун оилада соғлом муҳит шаклланиши, аввало, ота-она спорт билан шугулланиши зарурлиги алоҳида таъкидланган эди.

Дарҳақиқат, халқимизда қуш уясида кўрганини қилади, деган мақол бор. Ота-она ибрати бола тарбиясида ўта муҳим аҳамиятга эга.

Клара ШАКИРЖАНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози.



ЎЗА олган сурат.

ФУТБОЛ

Куни кеча Ўзбекистон футбол федерациясида мамлакат XXV миллий чемпионати олий лига учрашувларида куръа ташланди.

Янги мавсум қай тартибда бошланади?

Тadbир аввалида ўтган мавсум натижалари, навбатдаги чемпионат тартиби ва келгуси режалар ҳусусида сўз борди.

Яқунланган мавсумда бир қатор ижобий кўрсаткичлар қайд этилди, — деди Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси бош директори Фарҳод Магомедов. — Унда чемпион номи ҳамда чемпионатнинг омадсиз жамоаси охиригига турга келиб аниқланди. Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси футболимиз тарихида ўнинчи бор олтин медалга сазовор бўлди. Самарқанд динамолари мавсумни муваффақиятсиз якунлаб, олий лигани тарк этди. Уларнинг ўрнига янги мавсумда пойтахтнинг «Обод» футбол клуби дебютант сифатида қучилар сафида ўз омадини сынаб кўради.

Афсуски, Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган «Пахтакор», «Локомотив», «Насаф» ҳамда «Бунёдкор» жамоалари ижобий натижаларни қайд эта оlishмади.

Янги мавсумдан бошлаб футбол клубларимиз таркибида хорижлик дарвозабонлар майдонга тушмайди.

Ўзбекистон XXV миллий чемпионати олий лига учрашувлари 5-6 март кунлари бошланади. Куръа якунларига кўра, дастлабки икки турда қуйидаги жуфтликлар ўзаро куч сынашади:

Биринчи тур, 5-6 март
«Пахтакор» — «Андижон»
«Кўкөн» — «Обод»
«Бухоро» — «Олмалик»
«Насаф» — «Шўртан»
«Қизилқум» — «Машъал»
«Металлург» — «Сўғдиёна»
«Бунёдкор» — «Нефтчи»
«Навбахор» — «Локомотив»

Иккинчи тур, 11-12 март
«Пахтакор» — «Кўкөн»
«Андижон» — «Локомотив»
«Обод» — «Бухоро»
«Олмалик» — «Насаф»
«Шўртан» — «Қизилқум»
«Машъал» — «Металлург»
«Сўғдиёна» — «Бунёдкор»
«Нефтчи» — «Навбахор».

Эркин ХОЛБОВО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

ООО «KRANTAS»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

		
АВТОЦИСТЕРНЫ-БЕНЗОВОЗЫ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 10м³, 12м³ и 16м³	АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 8м³, 10м³, 12м³	АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» или «ISUZU» 6м³, 8м³, 12м³
		
КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМОЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³ и 12м³	ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» или «MAN» (4x4) или (6x6) 18-24 ЧЕЛОВЕК	АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» 6м³ или 10м³

Гарантия 1 год

Телефоны: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН.

МУАССИС:
Bosh muharrir: Safar OSTONOV
TAHRIIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz
MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonamiz: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1259
10402
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22.30
Topshirilgan vaqti — 23.00
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV
ISSN 2010-7633
7 720 10 763 3006
1 2 3 4 5